Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 63 (20. 630) • 1990 йил 16 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

Кеча СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Президенти сайланди

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВ:

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШГА, СССР КОНСТИТУЦИЯСИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШГА, ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА КАФОЛАТ БЕРИШГА, ЗИММАМГА ЮКЛАНГАН СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАЛАРИНИ ВИЖДОНАН БАЖАРИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қ а р о р и

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

Ўртоқ Михаил Сергеевич **Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

СССРнинг биринчи Президенти қасамёд қилди

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлдан хабар берадилар

Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. 15 март куни эрталаб СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III Съездида шу ҳақда эълон қилинди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** съезд ҳисоб комиссиясининг раҳбари **Ю. А. Осипьянга** сўз берди, у кеча кечқурун ўтказилган яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. ССР Иттифоқи халқ депутатлари жами 2245 нафар. Кечаги овоз бериш чоғида роппа-роса 2000 нафар СССР халқ депутати сайлов бюллетенини олди. Сайлов қутилари очилганида 1878 та бюллетень чиқди. Овозлар ҳисобланаётган вақтда 54 та бюллетень бекор қилинди.

Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: номзодни ёқлаб 1329 овоз берилди, 495 депутат қарши овоз берди.

Шундай қилиб, деди комиссия раиси зал аҳлининг қарсаклари остида, овозларни ҳисоблаш асосида ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССР Иттифоқининг Президенти этиб сайланди.

Комиссия раиси депутатлардан биринг саволига жавоб қайтариб қуйидагича изоҳ берди: М. С. Горбачев номзодини ёқлаб Съезднинг рўйхатдаги составидан овозларнинг 59,2 фоизи ёки бюллетень олган депутатларнинг 66,45 фоизи ёки овоз бериш да иштирок этганларнинг 70, 76 фоизи овоз берди. Сўнгги икки рақам маълумот тусидадир. Биринчи рақам эса расмий рақамдир.

Съезд ҳисоб комиссиясининг протоколини тасдиқлади.

Яширин овоз бериш якунларига кўра қарор қабул қилинди: ўртоқ **Михаил Сергеевич Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

СССР Конституциясига мувофиқ, мамлакат Президенти СССР халқ депутатлари Съездининг мажлисида қасамёд қилади.

СССР халқ депутатлари, Съезд меҳмонлари ўринларидан турадилар. Президент Съезд тасдиқлаган СССР Конституциясини ушлаб туриб қасамёд қилади: «Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Раислик қилувчи съезд номидан мажлис аҳлининг қарсаклари остида М. С. Горбачевни Совет Давлати раҳбари вазифасини бажаришга киришган СССРнинг биринчи Президенти деб эълон қилади.

СССР Президенти **М. С. Горбачев** минбар ёнига келади ва нутқ сўзлайди.

(М. С. Горбачев нутқининг матнини газетанинг келгуси сонида ўқийсиз).

СЪЕЗД ПРЕЗИДЕНТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

Мамлакат Конституциясига янги боб ёзилди. У «СССР Президенти» деб номланди. Шу муносабат билан Асосий Қонуннинг бир қанча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлиб қолди. Қонун чиқариш тартиби СССР халқ депутатларидан анчагина вақт ва куч-ғайрат талаб қилди.

14 март куни эрталаб улар Кремлга тўпландилар ва **М. С. Горбачев** раислигида президент ҳокимияти ҳамда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Илгари хабар қилинганидек, лойиҳа тўрт бўлимдан иборат. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги биринчи бўлим деярли мунозарасиз куни кеча қабул қилинди. Конституцияга ўзгартишлар хусусидаги иккинчи бўлим анча мунозарага сабаб бўлди. Депутатлар шу куни сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг давлатдаги ўрни, шунингдек мулкчиликнинг турли шаклларига тааллуқли моддаларни узил-кесил баён этишга улгурдилар.

Чоршанба куни Конституциянинг янги «СССР Президенти» боби теварагида баҳслар бир неча соат давом этди. Бу тушунарли: шошма-шошарлик билан Асосий Қонунга пухта ишлаб чиқилмаган қоидаларни киритмаслик, улар турлича талқин этилиши эҳтимолига йўл қўймаслик учун ҳар бир таъриф солиштириш, унинг мазмунини пухта текшириш талаб қилинди. Шу туфайли съезд таҳрир комиссиясининг раиси **В. Н. Кудрявцев** минбарда узоқ вақт туриб қолишига, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтаришига, у ёки бу таклифлар хусусида фикр билдиришига тўғри келди.

Съездда амалий фикрлар кўп бўлди. Аммо съездни чалғитишга, эътиборни ташкилий масалаларга қаратишга, ҳатто депутатларни қабул қилиб бўлинган қарорларни қайта овозга қўйишга ёндиришга уринишлар ҳам бўлди. Бироқ бундай уринишлар натижа бермади.

Ниҳоят, қонунчилик соҳасидаги ҳақиқатни излашнинг қийин йўли СССР халқ депутатларини Совет давлати бошлиғининг мақоми ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатини белгилашга олиб келди. Съезд СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар Қонун лойиҳасининг учинчи ва тўртинчи бўлимларини — биринчи Президентни сайлаш тартиби, унинг қасамёди тўғрисидаги ва Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб уни кучга киритиш тўғрисидаги бўлимларни кўриб чиқишга киришдилар. Сайлов тартиби юзасидан қарама-қарши нуқтаи назарлар баён этилди. Фикрлар кескин ва жўшқин бўлди: баъзилар биринчи Президентни дарҳол, съездда сайлашни, акс ҳолда, бир депутатнинг айтишича, «тақдиримиз бўнги дарз кетиши мумкин», деган қатъий фикрни айтдилар, бошқалар эса «умумхалқ» яхлитлиги амалда бўлмаган шароитда умумхалқ муҳокамасига қўйишни ёқлаб чиқдилар.

Съезд малакали кўпчилик овоз билан Қонун лойиҳасининг учинчи ва тўртинчи бўлимларини қабул қилди.

Шу тариқа, СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонунини қабул қилди.

Депутат **А. А. Собчак** луқма ташлаш учун илгари сўз сўраганлиги сабабли, ваъда қилинганидек, Қонун қабул этилганидан кейин, унга мана шундай имконият берилди. У Съезд минбарига чиқиб ўзидан аввал сўзга чиққан депутат И. К. Полозков билан, жумладан, «АНТ» давлат-кооператив концернининг фаолияти билан боғлиқ масала юзасидан баҳслашди. Шу концерн тузилганлиги учун нотиқ Совет ҳукуматига ва бир қанча ҳукумат идораларига қаттиқ айблар қўйди. У сўнгги чақириқ СССР Олий Советининг кўпгина депутатлари, Совет ҳукуматининг бошлиғи шанига, шунингдек Якутия АССРдан ва Адигей автоном областидан РСФСР халқ депутатлари қилиб сайланган Россия Федерацияси раҳбарлари шанига одобсиз ибораларни ишлатди.

Кўпгина СССР халқ депутатлари бунга жавобан ўз фикрларини айта бошладилар.

Менинг кўнглим тобора ғаш бўлиб боряпти, биз ўзи нималар билан шуғулланяпмиз? СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** ўз нутқини мана шу сўзлар билан бошлади. У ҳаяжон билан гапирди, ҳукумат бошлиғининг кайфияти, чамаси залдагиларга таъсир қилди, ҳар ҳолда у нутқини тугатганида гулдурос қарсаклар чалинди. СССР Министрлар Советининг Раиси кейинги вақтларда ҳукумат шанига зўр бериб хуруж қилинаётганлигидан, ҳукуматнинг ҳамма ишлари ерга урилаётганлигидан ажабланиб гапирди.

«АНТ» концернининг тузилишига келганда, депутат унинг тузилганини тўғри деб атади: ахир бу иш бевосита мол айирбошлаш хусусида битимлар тузиш — чет элларга ишлаб чиқариш чиқитларини, пландан ташқари маҳсулотни сотиб олинган пулга халқ истеъмоли моллари харид этиш учун қилинган эди. Бунинг нимаси ёмон?

Ҳукумат бошлиғи кейинчалик ўз ўринбосарларидан бири халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан мудофаа саноатининг пландан ташқари маҳсулотини сотишга ижозат берадиган ҳужжатни имзолаганлиги хусусида афсусланиб гапирди. Ўша пайтда ҳужжатдаги мана шу умумий ибора танклар билан хийла-найранг ишлатилиши учун йўл очишини фараз қилиш қийин эди.

Хийла-найранглар учун жиноий тартибда жавоб берилиши керак, дейди Н. И. Рижков, аммо у бу ишда ҳукуматнинг қўли бор, деган даъволарни қатъиян рад қилди.

Асоссиз айблашлар муҳитида ҳукумат бемалол ишлай олмайди. Унга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши керак.

СССР Министрлар Советининг Раиси президентлик ҳокимиятини ёқлаб гапирди. Ҳақиқатан ҳам биз шундай қилишимиз керак, деди у, бироқ шунга аминман: башарти яна икки таркибий қисм: ҳукумат ва судлов ҳокимияти ишламас экан, ҳеч қандай кучли Президент, президентлик кабинети ишлай олмайди. Агар бизга кучли ҳукумат керак бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозим.

Шундан кейин сўз олган якутиялик депутат А. А. Собчакнинг нутқини йўл қўйиб бўлмайдиган шовинистликдан иборат ножўя қилиқ деб атади ва ундан якут ва адигей халқларидан кечирим сўрашни талаб қилди. Адигей вакили ҳам шу фикрни қатъий қилиб айтди.

Депутат **Е. Ф. Бобилева** ҳам А. А. Собчакнинг ножўя қилмишини кескин қоралади ва унинг баёнотини «халқ депутатлари съездлари тарихидаги энг шармандали воқеа» деб таърифлади. Биз ўзимиз уч ой муқаддам ҳукуматимизга ишонч билдирди-гу, бугун бўлса унга мана шундай хуружлар қиляпмиз.

М. С. Горбачев «АНТ» концерни билан рўй берган можаронинг моҳияти ҳақида гапириб, шу муносабат билан кўрилган чораларни эслатиб ўтди ва текшириш якунлари ҳақида СССР Олий Советига маълумот берилсин, деган фикрни айтди.

Депутат А. А. Собчак нутқининг руҳи ва унда тўлиб-тошиб ётган шамалар, таъналар хусусида гапириб, раислик қилувчи уларни ножўя деб атади. Депутат ўз нутқига съезд олдида баҳо беради, деб умид билдирди. Ҳисоблашларича, беадабликка ва хуружларга йўл қўйган депутат И. К. Полозков ҳам шундай танбеҳларга лойиқ.

Шундан кейин танаффус эълон қилинди.

Сўнгра Съезд кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга, СССР Президентини сайлашга ўтди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** ҳозиргина қабул қилинган Қонунга биноан СССРнинг биринчи Президенти СССР халқ депутатлари Съезди томонидан беш йил муддатга сайланишини эслатиб ўтди. Номзодларни жамоат ташкилотлари ўзларининг умумиттифоқ органлари орқали, СССР Олий Совети, унинг палаталаридан ҳар бири, камида юз кишидан иборат СССР халқ депутатлари группалари ва иттифоқдош республикалар ўзларининг қонун чиқарувчи органлари орқали кўрсатишлари мумкин. Барча СССР халқ депутатлари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш бошланади.

Депутат **В. А. Ивашконинг** хабар қилишича, КПСС Марказий Комитети март пленумининг ҳозиргина бўлиб ўтган иккинчи мажлисида бугун Съездда қабул этилган Қонуннинг учинчи қисмига мувофиқ Пленум Михаил Сергеевич Горбачевни СССР Президенти лавозимига номзод қилиб бир овоздан кўрсатди. Депутат Съездга мурожаат этиб, КПСС Марказий Комитети Пленумининг шу қарорини қўллаб-қувватлашни илтимос қилди.

«Союз» депутатлар группаси номидан депутат **В. И. Алксниснинг** маълум қилишича, группанинг йиғилиши СССР Президенти лавозимига яширин овоз бериш учун номзодлар рўйхатига Вадим Викторович Бакатин, Михаил Сергеевич Горбачев, Николай Иванович Рижковларни киритишни таклиф этади.

Депутатлардан **Г. С. Походня, В. Г. Куликов, А. М. Яковлев, Д. Н. Кугультинов, Ю. Р. Якубов, В. И. Лисицкий, Н. Н. Энгвер, А. М. Масалиев, В. А. Мартиросян, Л. Е. Близнов, П. Г. Бунич, Г. А. Посибеев, О. О. Везгелдиев** ва бошқалар М. С. Горбачевнинг номзоди кўрсатилишини қўллаб-қувватладилар.

Депутатлардан **В. И. Дикуль** ва **Б. В. Крижков** Совет давлатидаги олий лавозимга номзод қилиб Н. И. Рижковни кўрсатдилар.

Депутатлардан **А. В. Земскова, А. Г. Черних** СССР Президенти лавозимига номзодлар рўйхатига В. В. Бакатинни киритиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш тартибида ҳаммаси бўлиб 23 киши сўзга чиқди. Шундан кейин номзодлар алифбе тартибида муҳокама қилина бошланди.

В. В. Бакатин сўз олди. У «Союз» группасига астойдил миннатдорчилик изҳор этиб, ўз номзоди кўрсатилмаслигини илтимос қилди.

Депутатлардан **М. Т. Абрамович, Н. К. Ермилов, И. В. Сорокин, А. В. Бородулин, В. В. Гончаров, А. Л. Плотников, Н. С. Петрушенко** ва бошқалар бу илтимосга қўшилмадилар.

Муҳокама ва **В. В. Бакатининг** яна сўзга чиқиши натижасида Съезд унинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисидаги илтимосига рози бўлди.

Сўнгра М. С. Горбачев номзоди муҳокамага қўйилди. Гапириш истагида бўлганлар шу қадар кўп эдики, раислик қилувчи минбарнинг турли томонларидан саф бўлиб навбатга туриб олган гоҳ у, гоҳ бу тарафдаги депутатларга навбатма-навбат сўз беришга мажбур бўлди. Депутатлардан **Ф. Г. Григорьев, В. И. Трофимов, С. С. Шушкевич, М. Оразлиев, Т. Г. Авалиани, В. А. Логунов, Н. А. Куценко, А. А. Шчелканов, И. Н. Сидор, Г. Н. Романов, А. П. Яненко, В. А. Волков, О. О. Сулаймонов, А. М. Канаровская** ва бошқалар — жами 17 киши сўзга чиқди.

Муҳокама жўшқин, ўткир бўлди, турлича, баъзан бирбирига зид нуқтаи назарлар айтилди.

Съезд қатнашчилари мутлақ кўпчилик овоз билан М. С. Горбачев номзодини овоз бериш учун бюллетенга киритишга қарор қиладилар.

Н. И. Рижковнинг номзоди амалда муҳокама қилинмади, чунки СССР Министрлар Советининг Раиси олий давлат лавозимига овозга қўйилишга розилик бермади. Айни вақтда у уни Президент этиб сайлашни таклиф қилган ўртоқларга астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. Ҳозир янглишиш мумкин эмас, деди **Н. И. Рижков.** Янги миқёсда фикрлайдиган киши, анча олдиндан кўра билиши керак бўлган инсон Президент бўлишига аминман. М. С. Горбачевда шу фазилатлар борлигини депутат уқтириб ўтди ва унинг учун овоз беришга чақирди.

Халқ хўжалигидаги аҳвол мамлакатни ижтимоий-иқтисодий соғломлаштириш дастурини амалда рўёбга чиқариш соҳасида ҳукуматдан юксак масъулият ва зўр куч-ғайрат талаб қилаётганлигини у ўз номзоди кўрсатилмаслигининг иккинчи сабаби деб атади.

Съезд бу далилларга қўшилди.

Шундай қилиб, мамлакатнинг биринчи Президенти лавозимига номзодлар рўйхатида битта М. С. Горбачевнинг номи қолди.

Навбатдаги танаффусдан аввал ҳисоб комиссияси тузилди. Депутат **Ю. А. Осипьян** комиссия раиси қилиб сайланди.

Ярим тунда депутатлар СССР Президентини сайлашга киришдилар. Овоз бериш якунлари 15 мартда эълон қилинади.

(ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 14 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленум ишида КПССдан СССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Пленумда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. В. Дубинин, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков сўзга чиқдилар.

Пленум СССР Президенти лавозимига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев номзодини кўрсатишга қарор қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

Наврўз тараддуди

Республикамизда ҳақиқий халқ байрами Наврўзнинг тиклаиниши, унга милий байрам мақоми берилиши кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланадиган ҳамма кунлар бутун халқимизнинг ёрқин ва қувончли байрамига айланиши, ҳар бир хонадонга файз бахш этиб, кишилар қалбини яхшилик ва меҳр-мурувват, муҳаббат ва бахт-саодат нурлари билан тўлдириши лозим.

Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Партия ва совет идораларига, меҳнат коллективлари, маданият муассасаларининг раҳбарларига жамоатчиликнинг ижодий ташаббусига кенгроқ таянниш, маъмуриятчилик ва ишларни қалаштириб ташлашдан қочиш таклиф қилинди. Байрамга тайёргарлик чоғида кўчалар ва майдонларни тозалаш, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш, янги мевазор боғлар яратиш юзасидан халқ ҳашарларини ўтказиш тавсия этилди. Тошкентдаги Ҳамза район жамоатчилигининг 18 март куни Наврўз шарафига якшанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди ва маъқулланди.

Наврўзнинг асосий мазмуни бирлик, қардошлик, дўстлик эканлиги, ушбу баҳор байрамини баҳамжиҳат ўтказиш анъаналарининг муҳимлиги таъкидланди. Бу йилги Наврўз Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари ўртасидаги яхши, илиқ, самимий муносабатларни тиклашга ёрдам бериши кераклиги айтиб ўтилди.

21 март куни республикамиз шаҳар ва қишлоқларида барча кишилар Наврўзнинг анъанавий таомини тотиб кўришлари учун умумхалқ дастурхонини ёзиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Айни вақтда байрамнинг асосий таоми — сумалак текинга берилади.

Министрликлар ва идоралар раҳбарларининг Наврўзга тайёргарлик тўғрисидаги ахборотлари ҳам тингланди.

Наврўз байрамида қатнашиш учун ҳар бир областга ва Қорақалпоғистонга республика ташкилот комитетининг аъзолари боришлари хусусида келишиб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

«Бирлик» норасмий ташкилотининг бир гуруҳ раҳбарлари шаҳар Совети ижроия комитетига шу йилнинг 18 март куни митинг ўтказишга ижозат бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу йилнинг 21 февралдаги Фармони амал қилаётганлигини, уни меҳнаткашлар жуда кўплаб баёнотларида қўллаб-қувватлаётганлигини, шунингдек митинг ташкилотчилари муҳокама этишни таклиф этаётган масалалар 25 февраль куни рухсат этилган митингда амалда кўриб чиқилганлигини ҳисобга олиб, шаҳар Совети ижроия комитети бу илтимосни рад этди.

Шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент аҳолисига мурожаат этиб, хотиржамлик ва қонунга риоя этишни таъминлаш учун барча чоралар кўрилишини уларга билдиради.

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар олдидан*

ИШИМИЗГА ХАЛҚ БАҲО БЕРАДИ

КПСС тубдан янгиланиш йўлига кирди. Бу жараён партия фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, партия ташкилотларида бошланган ҳисобот ва сайловлар фақат сайлаб қўйилган партия органларининг ишига баҳо бериб гина қолмай, балки КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш, вужудга келган ижтимоий тангликдан чиқиш йўлларини излаш, партиямизнинг роли ва ўрнини белгилаш, унинг қуйи бўғинлари жанговарлигини ошириш ҳақида мулоҳаза юритиш учун яратилган имконият ҳамдир.

Район партия комитети бу муҳим кампанияга, шунингдек ўзининг бўлажак конференциясига тайёргарликни ниҳоясига етказмоқда. Район партия комитети бюросининг шу йил 28 февралда бўлиб ўтган йиғилишида ҳисобот ва сайловларни ошкоралик, қизғин фикрлашув руҳида, партиясизларнинг кенг иштирокида ўтказишга келишиб олган эдик. Чунки ўтган ҳисобот-сайловларда партиясизларнинг партия ташкилоти ва унинг аъзолари ҳақида билдирган танқидий фикрлари коммунистларни, партия ходимларини чуқур мулоҳаза юритишга мажбур этган, ўз ишимизга танқидий кўз билан қарашга ундаган эди.

Биз 25 та бошланғич ва 12 та цех партия ташкилотида ҳисобот ва сайловларни 15 апрелгача якунлашга келишиб олдик. Ўтган йили ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтган коммунистлари сони 15 нафардан кам бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида эса бу тадбирни ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласини бошланғич ва цех партия ташкилотларининг ўзларига ҳавола қилдик. Улар партия йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг съездолди Дастури лойиҳасини муҳокама қиладилар ва район партия ташкилотининг конференциясига делегатлар сайлайдилар. Группа ва цехларга бўлинган бошланғич партия ташкилотларига белгиланган муддат ичида қуйи бўғинлардаги аҳволни ўрганиш, лозим бўлса уларнинг етакчилари масаласини ҳам қараб чиқиш тавсия этилди.

Айни кунларда бошланғич ва цех партия ташкилотларида коммунистлар жанговарлигини ошириш, уларнинг ҳозирги мавжуд сиёсий ҳолатга муносабатини ўрганиш мақсадида коммунистлар аттестациясини ҳам ўтказаётирмиз. «Октябрь 40 йиллиги», «Дўстлик» колхозлари бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан ўз партия комитетлари таркибига кимларни киритиш мумкинлиги ҳақида муддат ичида бўғинлардаги аҳволни ўрганиш, лозим бўлса уларнинг етакчилари масаласини ҳам қараб чиқиш тавсия этилди.

Ўтган йилги ҳисобот ва сайлов йиғилишларида районимиз ижтимоий ҳаётидаги айрим камчиликлар танқид қилинган эди. Райком бу танқидий фикр-мулоҳазаларнинг бажарилишини қаттиқ назорат остига олди. Район партия комитетининг IV пленумида бу масалаларга алоҳида тўхтаб ўтилди ва айрим масалаларнинг бажарилишини тезлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Район партия конференцияси олдидан бўладиган пленумда бу масалага яна қайтамиз. Чунончи, ҳисобот-сайлов йиғилишларида аъзолик бадалларининг бир қисмини бошланғич партия ташкилотларида қолдириш истаги билдирилган эди. Биз бу таклифни қабул қилдик ва ҳозир ана шунга риоя қилинган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Яқинда райком аъзоларидан иборат комиссия туздик. Бу комиссия ҳисобот-сайловлар йиғилишлари ва район конференциясига тайёргарлик ишларини олиб боряпти. Комиссия уч ишчи группасига бўлинган. Улар бевосита хўжалик, корхона, истиқомат жойларига бориб аҳоли билан мулоқот қилаётирлар, одамларнинг район партия комитети ҳақидаги фикрини ўрганмоқдалар. Биз нима иш қилганлигимизни халқдан эшитишни жуда ҳоҳлаймиз. Зеро, партия ташкилоти фаолиятига коммунистлар, бутун район меҳнаткашлари баҳо берсинлар. Бу баҳо биз учун ниҳоятда зарур.

Бундан ташқари биз район партия комитетида фикр-мулоҳазалар қутичаси ҳам ташкил этдик. Бу қутича комиссия аъзолари томонидан ҳар ўн кунда очилади ва тушган мулоҳазаларга қараб тадбирлар белгиланади. Улардан ҳисобот докладида ҳам фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бундан бир неча кун олдин бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарини ўтказдик. Семинарда ҳисобот-сайлов йиғилишларида бошланғич партия ташкилотлари бюро аъзолари ва котибини ёпиқяширин овоз бериш йўли билан ўша йиғилишнинг ўзида сайлаш ҳақида келишиб олдик. Бу йиғилишларда партияга нисбатан билдирилаётган нотўғри айблар ва бўҳтонларни қатъиятлик билан очиб ташлаш лозимлигини ҳам таъкидладик. Ахир, партиянинг обрўси ҳар бир коммунистнинг иши, хатти-ҳаракати, унинг фаол ҳаётий нуқтаи назари, сўзига боғлиқ. Улар партия органлари олдига талаблар қўйиш билан бирга ўзларига: «Мен қайта қуришни рўёбга чиқариш учун нима иш қилдим!?» деган саволни ҳам берсинлар. Биз шунга эришишимиз лозим.

Ҳисобот-сайловлар районимиз партия ташкилоти ҳаётида шунчаки мавсумий бир тадбир бўлиб қолмайди. Биз ундан райком, умуман партия ташкилотлари ишини тубдан қайта қуриш, ҳар бир коммунистнинг бу ишда фаоллигини ошириш учун муҳим омил сифатида фойдаланамиз.

Ж. АБДУЛҲАКИМОВ,
Термиз район партия комитетининг биринчи котиби.

• *Китоблар оламида*

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР РИСОЛАЛАР

Бугунги кунда миллий масалага ҳеч бир совет кишиси бефарқ қараб туролмайди. Гарчи бугун тан олиш ғоят оғир бўлса-да, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар муаммоси ҳамон ўткирлигича қолянти. Бундан Қозоғистон, Грузия, Арманистон, Ўзбекистон... даги воқеалар яққол далолат бериб турибди. Шунинг учун ҳам миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга, унинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган ишлар сўзсиз ҳар бир кишида қизиқиш уйғотади. Давлат ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган 170 дан ортиқ иш муаллифи, таниқли ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаевнинг бу борадаги ишлари диққатга моликдир. Муаллифнинг «Миллий муносабатларнинг давлат ҳуқуқий жиҳатлари» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1989 йил) «Ҳозирги шароитда КПСС миллий сиёсатининг давлат-ҳуқуқий жиҳатлари» (Тошкент, «Билим», 1989 йил) китоблари ва «Тил ҳақидаги Қонуннинг маънавий жиҳатлари» («Совет Ўзбекистони», 18 октябрь, 1989 йил) мақоласи шулар жумласидандир.

Қайта қуришнинг мантиқи шундан иборатки, миллий масалаларда кенг қамровли чуқур туб ўзгаришлар ясашин ҳаёт тақозо этмоқда. Олим яратган мазкур ишларда КПСС ленинча миллий сиёсатининг асосий ютуқлари кўрсатилган. Уларда миллий муносабатлардаги қарама-қаршиликлар ва муаммолар муфассал, баён қилинган, социалистик жамият қурилишининг турли жабҳаларида совет давлатининг конституцион асослари тадқиқ этилади.

Қайта қуришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — ҳозирги босқичда партиянинг миллий сиёсати — КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1989 йил) Пленумида қайд этилди. Совет федерациясининг қайта ўзгартириш — унинг аниқ сиёсий ва иқтисодий мазмун билан бойиганлиги бўлди. Зеро, бу босқичда совет давлатини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири — давлат қурилишининг федератив формасини сақлаб қолишдир.

Муаллиф айни пайтда қарийб бир ярим йил давом этган сентябрь Пленумига тайёгарлик жараёнлари тўғрисида ҳам гапириб ўтади. Дарвоқе, биз илгари КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари тўғрисида фақат газеталарда информацион билдиришлар босилгандан кейингина билардик. Сентябрь Пленуми тўғрисида эса 1988 йилнинг февраль ойидаёқ етарли маълумотга эга бўлдик. Миллатлараро муносабатларда тўпланиб қолган муаммоларни ошкора муҳокама қилиш, фикрлар ранг-баранглиги Пленумга тайёргарлик пайтида ва унинг ишида асосий мавзу бўлиб қолди. Олим қаламига мансуб барча илмий ишлар ўзининг амалий йўналиши билан ажралиб туради. Улардаги кўпгина таклифлар партия ҳужжатларида ўз аксини топмоқда.

А. САИДОВ,
ҳуқуқ фанлари номзоди.

ХУШХАБАРЛАР

● **Деталларини «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси тайёрлайдиган ошхона электр плиталари комплютердек аниқ ишлайди.** Бу ерда ҳароратни бир маромда сақлаб турадиган электрон қурилмаларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг тажриба намуналари Златоуст машинасозлик заводида синовдан ўтказилиб, яхши баҳоланди. Тошкентдаги асосий корхона келаси йилиёқ ўн мингта ана шундай ускуна ишлаб чиқаради.

● **Сергели авиакорхонаси вертолётларининг экипажлари Арманистон осмонида 700 соатдан кўпроқ вақт учдилар.** Улар қардош республиканинг бориш қийин бўлган тоғли районларига юк ташидилар. Булар аввало озиқ-овқат ва дори-дармонлардир. Узоқ муддатли командировкада А. Андросов звеноси билан А. Иваненко эскадрильяси экипажлари тер тўкиб меҳнат қилди. Вертолётчилар топшириқни бажариб бўлиб, уйларига қайтдилар.

● **Уй қуриш осонми! Бу саволга Чирчиқ 160-қурилиш трести ва пойабзал фабрикасининг меҳнаткашлари жавоб беришди.** Ишлаб топилган даромадларини бирлаштириб, улар улушбай асосида кўп қаватли янги уй қурдилар. Бу ерга шу корхоналарнинг 60 нафар меҳнатчиси кўчиб кирди. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтилганлиги бу коллективлар учун социал масалаларни ҳал этишда катта имкониятлар яратиб берди. Бу ерда уй-жой программасини 1995 йилда бажариш мўлжалланмоқда.

● **Қўқон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида янги тикувчилик конвейери ишга туширилди.** Бу ерда аёлларнинг куз-баҳор мавсумларида кийиладиган этиклари ишлаб чиқарила бошланди. Улар ўзининг сифатига кўра чет элда чиқариладиган энг яхши этиклардан қолишмайди. Пойабзалчиларга ускуналарни Ғарбий Германиянинг «ПФАФФ» фирмаси етказиб берди. Республика савдо тармоғига ҳозирнинг ўзидаёқ шу этикларнинг дастлабки туркуми — 14 минг жуфт камёб маҳсулот жўнатилди. (ЎЗТАГ).

Беш йиллик илғорлари

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

● Жамила Норқулова «Меҳнат» тикувчилик бирлашмасининг Боғизағон (Самарқанд ноҳияси)даги 10-филиалида бригадир. У 50 тикувчи билан ҳамкорликда ишлайди. Ишчилар ойлик топшириқларини юз фоиздан ошириб бажаришаётир. Бригада бошлиғи корхона фахри. Жамоат ҳаётида ҳам фаол. Ўз билим доирасини кенгайтиради.

Ж. Норқулова Наманган тўқимачилик техникумининг Самарқанддаги филиалида билим олди. Айни кунларда у ишлаб чиқаришда ўз малакасини ошираётир.

— Ҳамқишлоқларимизга маъқул тушадиган турли кийимлар тикяпмиз, — дейди Ж. Норқулова. — Андозаларни кўпинча миллий руҳда бўлишига интиламиз. Кийимкечакларимиз харидоргир бўлишига курашаётирмиз.

*



ЮЗ ФОИЗ БИРИНЧИ НАВГА

● **Самарқанддаги тажриба механика заводи ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини барвақт бажариш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Механика цехи меҳнатчилари мусобақада пешқадам. Бу ерда ўз касбининг усталари ишлашади. Пармаловчи Комил Ҳамидов ана шуларнинг бири. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг юз фоизи биринчи навга топширилмоқда.**

Суратларда: Ж. Норқулова (юқорида) ва К. Ҳамидов.

Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

• *Мутахассис масала қўймоқда*

● **Қурилиш министрликлари ва идоралари, трестлар, бошқармалар ва механизациялашган колонналар ишчилари СССР Министрлар Советининг 1989 йил 30 сентябрида қабул қилган «Капитал қурилиш ишидаги аҳволни яхшилашнинг айрим тадбирлари тўғрисида»ги 809-сонли қарорини мамнуният билан кутиб олдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳам юқоридаги қарорга тегишли бўлган ҳужжатни имзолади. Бунда министрликлар ва тармоқ — буюртмачиларга, пудратчилар, лойиҳачи ва таъминотчи ташкилотларга белгиланган топшириқни қатъий амалга ошириш учун молия банкларига муфассал тадбирий чоралар кўриш вазифаси юкланди.**

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

БИНОБАРИН, 809-сонли қарор кучга кирди. Ҳозирги кунда унинг моҳияти, янгилиги ва муҳимлиги нималардан иборат? Биринчи марта директив тарзда 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб қурилишда тайёр қурилиш маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилишга ўтиш талаб қилинди. Фақат мана шунга мувофиқ фойда ва иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Қурилиш ташкилотлари тайёр объектни фойдаланишга топширишга қадар кетган сарф-харажатларни ўзларининг айланма маблағларидан ва банк кредити ҳисобидан мажбурий тарзда қоплашлари керак. Бу қарорда аниқ ва муфассал тарзда баён этилган.

Яна бир муҳим қоида шундан иборатки, 1990 йилдан бошлаб объектларни тўла-тўкис — калити билан топширишга ўтилади. Бу талабнома даставвал янги турар-жой бинолари, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари қурилишларида қўлланилади. Кейинчалик эса ижтимоий соҳа қурилишлари, биринчи галда қайта қўлланилаётган лойиҳа ҳамда типовой асосда қад кўтараётган бинолар қурилиши учун ҳам худди шундай тартиб жорий қилинади.

Очиғи қарор долзарблиги, салмоқлилиги ва ўз вақтида қабул қилинганлиги билан муҳимдир. Унда капитал қурилиш ишидаги аҳволни яхшилаш, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини қисқартириш ва инвестицион жараён қатнашчиларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишдаги жавобгарлигини ошириш кўзда тутилади.

Қарорнинг ижроси қандай? Мазкур ҳужжатнинг қанчалик даражада фойдали ва аҳамиятли эканлигини, уни кечиктирмай ҳаётга татбиқ қилиш муҳимлигини «Узагрострой» ўзининг бошланғич ҳамда областдаги ташкилотларига муфассал тушунтириб берди. Бир неча марта семинар-кенгашлар ўтказилди. Бирлашма шу йилнинг 1 январидан бошлаб барча бўлинмаларига буюртмачилари билан фақат тайёр қурилиш маҳсулотлари бўлган ҳолда ҳисоб-китоб олиб бориш, объектларни тўла-тўкис калити билан топширишга пухта тайёргарлик кўришни юклаб буйруқ чиқарди. СССР Министрлар Совети қарорини ҳамма жойда бажариш учун замин яратиш, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини кескин қамайтириш мақсадида биз ўтган йил охиридаёқ кўпгина объектларни фойдаланишга топириш муддатини олдиндан аниқлашга эришдик.

Қарорда таъкидланганидек, капитал қурилишда ишнинг юришиб кетиши барча инвестицион жараён қатнашчиларининг фаол ҳаракатига боғлиқ. Афсуски, бу нарсани биз ҳамкорлик қилаётган республика Молия министрлиги, банк муассасалари ҳамда буюртмачилар томонидан сезмаяпмиз. Шуни қайд қилиш керакки, уларнинг лоқайдлиги туфайли яна бир муҳим ҳукумат қарори ижросиз қолиб кетяпти.

Бугунги кунда капитал қурилишда аҳвол яхшиланиш ўрнига янги, жиддий қийинчиликларга дуч келиняпти. Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман: тайёр қурилиш маҳсулотлари ҳисоб-китобига ўтиш билан бирга қурилиш ташкилотларидаги айланма маблағлар етишмовчилигини тўлдириш ва ўтган йилларда йиғилиб қолган 135 миллион сўмлик қарзни тўлаш учун буюртмачиларга маблағ ажратиш зарур. Бизнинг ташкилотларда ҳозир айланма маблағларнинг етишмаслиги 140 миллион сўмдан ошиб кетган. Эндиликда уни тўлдиришнинг иложи бўлмаяпти.

Республика Агросаноат банки (правление раиси ўринбосари Л. Антонова) ва унинг областдаги бошқармалари кузатувчилик позициясини эгаллаб, ўзларининг бир қатор тўғридан-тўғри вазифаларини бажармасдан четга суриб қўйишмоқда. Хусусан, улар тугалланмаган ишлаб чиқаришни мажбурий кредит билан таъминлаш ишини ўз вақтида амалга оширмаяптилар.

Мисол учун йирик буюртмачимиз бўлган «Ташоблагросоюз» (раиснинг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Л. Безазиев)да бирлашмамизнинг етакчи бўлинмаси «Ташоблагрострой»нинг пудратчилари қурилиш-монтаж лимитига мувофиқ 46 миллион 286 минг сўмлик ишни бажаришлари ва ўнлаб объектларни, шу жумладан, 50 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойларни фойдаланишга топширишлари лозим. Мазкур объектларни февраль ва март ойларида ишга туширишнинг кўзда тутилганди. Лекин февраль тугаб, март ойи бошланаётган бўлса-да «Тошоблагросоюз» таркибидаги буюртмачиларнинг жуда кўпчилиги ҳанузгача капитал харажатлар ва аниқ манбалари кўрсатилган молиявий таъминотларнинг тасдиқланган планларига эга эмасдир. Ҳали-ҳануз дастлабки планларга ўзгартиришлар киритиляпти. Бундан ташқари, аксарият буюртмачиларда ускуналар етказиб бериш графиклари йўқ. Шу туфайли улар билан 1 февралгача фақат 19,6 миллион сўм миқдоридагина шартномалар тузилди. Бу эса ўз навбатида «Ташоблагросоюз» ва унинг қўл остидаги идоралар тайёр қурилиш маҳсулотлари тўловига ўтишга тайёргарлик кўрмаганлигидан далолат бериб турибди. Худди шундай ҳол Тошкент область ижория комитетига қарашли шаҳар капитал қурилиш бошқармасида, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимида ва областдаги бошқа бир қанча буюртмачи ташкилотларда рўй беряпти.

Умуман «Узагрострой» бўйича аҳвол жиддий бўлиб турибди. Ўзбекистон ССР-ни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги планига кўра, бизнинг бўлинмаларимиз 1 миллиард 80 миллион сўм ҳажмдаги пудрат ишларини амалга оширишлари керак. Бироқ шу кунгача фақат 697 миллион сўмлик шартномалар имзоланди, атиги 240 миллион сўм пул маблағлари ажратилди. Бундан кўринадики, тузилган шартномаларни тезда ҳаётга татбиқ этиш гумон. Очиғи, қурилиш ташкилотларининг буюртмачилар ва банк муассасалари интизомсизлиги натижасида қандай оғир аҳволга тушиб қолганлигини тушуниш учун иқтисодчи бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ. Иш шунга бориб тақалдики, жабр кўрган томон у ёки бу қурилишга сарфланган 70 миллион сўмдан кўпроқ ҳажмдаги январь ойи харажатларини қоплашга қурби етмай қолди. Бунга, биринчидан, буюртмачиларнинг махсус ҳисобга маблағ ўтказишни ўзларига эп кўрмаганлиги, иккинчидан эса банк муассасаларининг тугалланмаган ишлаб чиқаришга кредит бермаганлиги сабаб бўлди.

Асосий буюртмачимиз бўлган — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети (капитал қурилиш бўйича раис ўринбосари А. Скоробогатько) биздан 100 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Бу «мусобақа»да бошқа ташкилотлар ҳам қолишаётгани йўқ. Масалан, маҳаллий Советлар 21 миллион, колхозлар-20, уйжой қуриш кооперативлари ва якка тартибда уй қураётганлар 10 миллион сўм қарзни ҳалигача уза олмаяптилар.

Айниқса, Тошкент, Андижон, Қашқадарё ва Сирдарё областларида фаолият кўрсатаётган трестларимиз жар ёқасига келиб қолишган. Чунки улар тиклаб бўлинган объект учун пул маблағларини ололмаяптилар. Шу туфайли қувватларни ишга туширишнинг муддати фақат февраль ойида эмас, балки бутун квартал давомида чўзилиб кетиш хавфи туғиляпти. Бу эса йил якунларига таъсир этмасдан қолмайди. Ахир йилнинг қандай бошланиши кўпчилик ҳолларда тугал натижаларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтдаги аҳвол шундан далолат бериб турибдики, кўпчилик ташкилотларимизнинг тўлов қобилиятига эга эмаслигини билган таъминотчилар уларга материаллар ва конструкциялар, асбоб-ускуналар етказиб бермаяптилар, Ёрдамчи пудрат ташкилотлари эса ўз мутахассислигига тегишли ишларни бажаришдан бош тортишмоқда. Хўжалик юритишнинг янгича шароитлари ана шундай кескин вазиятни келтириб чиқарди. Тўғрисини айтадиган бўлсам, биз буюртмачилар айби билан «емаган сомса»га пул тўлашга мажбур бўляпмиз.

Ўтган йилларда буюртмачи ва пудратчилар ўртасида ойлик ҳисоб-китоб тартиби жорий қилинганди ва бу ўз вақтида ижобий натижалар берганди. Лекин 1990 йилдан бошлаб мазкур тартиб амалда қўлланилмай қолди. Шу туфайли ҳисоблашлар ҳам, махсус ҳисобга киримчиқимлар ҳам ва бинобарин кредитлар ҳам йўқ. Вазиятдан қандай қилиб бўлмасин қутулиш ўзимизга юкланган. Бунинг натижасида молиявий қийинчиликларимиз ортиб боряпти, муддати узайтирилган банк қарзи процентлари ва жарималари ишлаб чиқариш харажатлари зарари ҳисобига кўпаймоқда. Масалан, ўтган йили бу кўрсаткич 50 миллион сўмдан зиёд бўлди.

Хуллас, пудрат шартномаларини тузиш биринчи галда маҳаллий Советлар ва агросаноат комплекслари объектларида асоссиз равишда чўзилиб кетди. Мазкур ташкилотлар бу муҳим ишга панжа орасидан қараб келишмоқда. Улар капитал харажатлар ва молия планларини ҳамда ҳисоблашни доимий таъминлайдиган ички қурилиш титул рўйхатларини ва бошқа ҳужжатларни топшириши амалда кечиктириб юборишяпти.

Шу ўринда қизиқ бир факт келтирмоқчиман: бугунги кунда очиқ пул маблағлари билан таъминлаш ҳажми йиллик план ҳисобига атиги 22 фоизгина ташкил қилади, холос. Ҳукумат қарорида таъкидланган қатъий талабларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда ачинарли ҳолдир. Республика ва маҳаллий ҳокимият масъуллари оғир иқтисодий аҳволимизни била туриб, мустақил бўлишимизга ва бадавлат буюртмачилар топиб, улар билан пудрат шартномалари тузишимизга йўл бермаётганликлари бизни ажаблантирмоқда.

Қисқаси, ҳозирги пайтда яхши қарор қабул қилишнинг ўзи камлик қилади. Бу қарорни амалга оширишда инвестицион жараённинг барча қатнашчилари фаол иштирок этишлари зарур. Ана шундагина иш олга силжиши мумкин.

К. МУСАЕВ,
«Узагрострой» бирлашмаси, молия бошқармаси бошлиғи.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Ҳар куни «Қашқадарьятранс» бирлашмаси корхоналарига қарашли 700 дан ортиқ автобус ва микроавтобуслар шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро маршрутларда қатнаб, 305 минг йўловчининг манзилини яқин қилмоқда.

Областда транспортни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди, Жумладан, Қаршида янги микрорайонларни шаҳар маркази билан боғлайдиган 6 та маршрут очилди. «Қарши» автовокзали ва Ғузор районидаги «Ғузор» автостанциясининг реконструкция қилиниши натижасида йўловчиларга янада қулайликлар яратилди. Яккабоғ ва Чироқчи шаҳарларида янги автостанциялар ишга тушди.

148-автобус маршрутида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ишни ташкил этишнинг шартномавий формаси ва ижара пудрати жорий қилинди.

Ҳозир ҳайдовчиларга ишонч асосида ана шу маршрутларда 272 автобус ва микроавтобус қатнаяпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Даромадлар тушиши 11-15 фоизга ошди ёки ҳар ойда салкам 64,5 минг сўм қўшимча даромад олинмоқда.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Шаҳрисабз шаҳар маршрутларидаги автобуслар батамом ижара пудратида ишлаётир. Шу тариқа зарар кўриб ишлаш барҳам топди. Ижара пудратини кенг ёйиш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, эксплуатация харажатларини камайтириш, давлат машиналарининг рақобатлигини ошириш мақсадида Қарши таксопаркининг 16 та «Москвич» автомобили ижарага берилди.

Пассажирлар ташишнинг суръатлари ошганига қарамай аҳоли эҳтиёжлари тўлатўкис қондирилмаяпти. Шаҳар транспорти ишидаги узилишлар, ҳаракат графиги изидан чиқиши, маршрутларга автобуслар етарли чиқмаслиги барҳам топганича йўқ. Бу айрим автокорхоналарда пландаги ремонт ва техник хизмат кўрсатиш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги оқибатидир. Автокорхоналарнинг, айниқса Деҳқонобод ва Қамаши автокорхоналарининг техникавий базаси замон талабларига жавоб бермайди. Ёнилғи етишмаслиги ҳам аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг белига тепмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ёнилғи эҳтиёжини таъминлаш 90,8 фоизни ташкил этди, холос. Натижада автобусларнинг бекор туриб қолиши ортмоқда.

Бирлашма мавжуд қийинчиликларга қарамай аҳолига транспорт хизматини яхшилаш бўйича қўшимча резерврларни топиш учун изланишни давом эттирмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ,
А. РЎЗИЕВ.

МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ОСОЙИШТАЛИК ВА АҚЛ-ИДРОК БИЛАН ҲАЛ ЭТАЙЛИК!

Эркин ЮСУПОВ,
СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИНГ, ОДАМЛАР!

ХАЛҚИМИЗ узоқ вақт орзу қилган улкан тарихий ва зарурий жараён — қайта қуриш зиддиятлар ичида, машаққат билан олға силжиб бормоқда. Қайта қуриш социализмнинг инсонпарварликдан иборат туб моҳиятини тиклаш, ҳаётдан узоқ ғоялар ва қарашларни эмас, балки моддий ва маънавий бойликлар яратаётган меҳнаткашлар манфаатини биринчи ўринга қўйиш, ўтмишда ҳаётимизнинг барча соҳаларига чуқур томир отиб кетган қонунсизликлару адолатсизликларга барҳам бериш, демократия ва ошкораликни туб маънода тўла тиклаш йўлидаги дадил ҳаракатдир.

Мана, беш йилдирки, биз қайта қуриш жараёнидан ўзимиз кутган, ваъда қилинган натижаларни тўла олаётганимиз йўқ. Аҳолини керакли озиқ-овқатлар, саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳақиқий демократия ва ошкораликни тиклаш, миллий муносабатларда, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида етарли силжишлар амалга ошмай қолмоқда.

Гап шундаки, қайта қуриш жараёни бошланган вақтда биз мамлакатимиздаги аҳволни тўла тасаввур қила олган эмасмиз. Халқимизда, қозонда бўлса чўмичга чиқади, деган мақол бор. Қозонимиз бўшаб қолган экан. Уни гап билан, тўс-тўполонлар уюштириш йўли билан эмас, ҳалол меҳнат билан, ақл-идрок билан иш юритиб тўлдирмоғимиз лозим. Турғунлик йилларида, ундан кейинги даврларда ҳам жумҳуриятимиздаги иқтисодий, ижтимоий вазият анча танглашиб қолган эди. Бунинг устига жумҳуриятимизга мамлакатнинг турли регионларидан келган баъзи «ҳашарчи» кадрлар вазиятни кескинлаштирса кескинлаштирдиларки, уни яхшилашга деярли ўз ҳиссаларини қўшмадилар. Буларнинг ҳаммаси аҳолиси меҳнатсевар, меҳмондўст, виждонли, энг оғир дамларда ҳам паноҳ излаб келган кишиларга ўз бағридан жой бериб, бир бурда нонини бўлишиб еган аҳолидан иборат жумҳуриятимиздаги вазиятни кескинлаштириб юборди, қайта қуриш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал этиш вазифасини қийинлаштирди.

Дунёда энг олий ҳакам ҳаёт қонуниятидир. Ҳаёт сабоқлари сўнгги йилларда ҳам ўзбек халқининг сабр-тоқатини, дўстлигимиз ва бирлигимизга садоқатини, ҳалол, виждонли ва олижаноб инсоний қалбини яна бир марта намойиш этди. Т. Гдлян ва Н. Иванов бошчилигидаги терговчилар группаси Ўзбекистонда қилган бебошликларини текшириш учун келган Ярин, Струков, Александрин ва бошқаларнинг матбуотда эълон қилган Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақидаги фикрлари бунинг яққол исботи бўлди. Ўзбекистон ва ўзбек халқи тўғрисидаги туҳматларга, айниқса, Фарғона воқеаларидан кейинги иғволарга хотима беришни илтимос қилиб, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевга ҳам мурожаат қилдик.

Ўтмиш сабоқларини билиш ва улардан тўғри хулосалар қилиш ҳаммамиз учун зарур. Асосий гап биргалашиб, қўлни-қўлга бериб бу оғир вазиятдан чиқиш йўлларини излашдадир. Бу ўринда жумҳуриятимизда саноати ва қишлоқ хўжалиги структурасини ўзгартиш барча шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб, шошма-шошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўриб ўлкамиз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш йўлларини излаш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш, демократия ва ошкораликдан ҳиссиётларга, мансабпарастликка берилмай, оқилона фойдаланиш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Узоқни кўра оладиган, холис ниятли кишиларгина бу улкан вазифани бажаришга ёрдам бермоқлари керак. Улар жумҳуриятимизда бу борада қилинаётган биринчи ижобий қадамларни қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман.

ҚАЙТА қуриш бизга берган ютуқлардан бири социалистик демократия, ошкоралик, социал адолатнинг аста-секин тикланишидир. Бу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун фақат янги қонунлар чиқарилиши етарли эмас. Айни пайтда вазминлик, узоқни кўзлаб иш кўриш, ҳалоллик, соф виждон, юксак сиёсий маданият ҳам керак. Афсуски, ҳозирги кунда айрим кишиларда мана шундай фазилатлар етишмаслиги сезилиб қолмоқда. Қайта қуриш яратган имкониятлардан баҳраманд бўлиб ташкил топган норасмий ташкилотларнинг баъзи вакиллари мамлакатимиздаги вазиятдан, жумҳуриятимизда қилинаётган ишлардан тўла хабардор бўлмаган ёшларни нотўғри йўлга буришга ҳаракат қилмоқдалар. Менимча улар, вазият қанча оғир бўлса, бизга шунча яхши бўлади, деган тушунча асосида иш кўриб, мамлакатимиздаги чигал ҳолатни янада оғирлаштирмоқчи бўлаётганга ўхшайди.

СССР халқ депутати Б. Ельцин Ленинград телевидениеси орқали сўзлаб тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катта қонунбузарликка, кишиларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини поймол қилишга йўл қўйган Гдлян ва Ивановни энг ҳалол ва виждонли терговчилар, деб баҳолаганидан кейин бу фикрга яна бир бор ишондим. «Бирлик» норасмий уюшмасининг айрим раҳбарлари яқинда Тошкент шаҳрида янги сайланган халқ депутатлари ва шаҳар жамоатчилиги билан бўлган учрашувда айтилган, демократия ва интизомнинг бирлиги ҳақидаги фикрларга ҳам қарши чиқмоқдалар. Демократия ҳар ким билган ишини қилади, деган гап эмас. Бундай ҳолатда бебошлик, олдини олиб бўлмайдиган тўс-тўполонлар кучайиб кетади. Оқилона интизом бўлган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Шу сабабли жумҳуриятимиздаги барча ҳалол кишилар ҳамма ерда тартиб-интизомни мустаҳкамлашни талаб қилмоқдалар.

Ҳа, баъзилар мамлакатимиздаги оғир вазиятдан фойдаланиб, ўзларининг амалпарастликдан иборат бўлган ниятларини биринчи ўринга қўймоқдалар. Уларга катта мансаблар, сиёсий ҳокимият керак. Лекин улар шу савия ва кайфиятлар билан мамлакатни бошқара олармикан, ишлаб чиқаришни янгича ташкил этиб, халқнинг қорнини тўйдириб, устини бут қила олармикан?

Ҳаёт тобора кескин шаклда кун тартибига қўяётган бу масалалар ҳақида уларнинг оғзидан кўча митингларида ҳам, Олий Совет минбарида ҳам бирорта ижобий, оқилона қўлланма бўла оладиган фикрни эшитганим йўқ. Бошқаларни, ўтмишни танқид қилиш осон, лекин яхши ишлаш қийин. Халқнинг қорнини қуруқ гап, жойларда тартибсизликлар уюштириш билан эмас, амалий, ижодий, самарали иш билан тўйдириш мумкин. Менинг қатъий фикримча, вазиятни кескинлаштирмоқчи бўлганлар мамлакатимиздаги аҳволни яхшилаш ҳақида ўйлаётганлари йўқ, балки уни яна ҳам оғирлаштиришга, бу мақсад йўлида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Йирик шаҳарларда саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмай турган бир вақтда денгиз портларида, темир йўл станцияларида хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулотлар вагонлардан туширилмай бузилиб ётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу ерда оқилона равишда амалга оширилаётган иқтисодий қўпорувчилик йўқмикан?

Мазкур масала юзасидан СССР Министрлар Советига, СССР Ички ишлар министрлигига бир неча маротаба хат орқали мурожаат қилдим, лекин қониқарли жавоб ололганим йўқ. Афтидан баъзи йирик раҳбарларнинг ўзлари чигал масаланинг сабабларини тўла тушуниб етмаганга ўхшайди.

Ҳозир Москвада айримлар 1990 йилги кўклам экиш кампаниясини издан чиқариш учун ҳаракат қилаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Агар бу борада ҳам иш издан чиқса, халқ оч ва ночор қолса бундан кимга фойда тегар экан? Қайта қуришга қарши бўлган кучлар, гарчанд мақсадлари бир бўлмаса ҳам, биргалашиб иш кўришга ҳаракат қилаётганини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Бу масалаларни оддий кишилар сабр-тоқат, ҳалол виждон билан ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди.

Бир мисол келтираман: Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика ҳукумати озиқ-овқат танглиги масаласини ҳал этиш учун 250 минг гектар суғориладиган экин майдонларини томорқа сифатида бўлиб бериши ҳақида қарор қабул қилди. Том маънода инсонпарварликдан иборат бўлган бу ҳайрли иш ҳамма жойда ҳам тўғри, изчил амалга оширилаётгани йўқ. Буйруқбозликка, халқнинг эҳтиёжига бефарқ қарашга ўрганиб қолган айрим раҳбарлар бу ишга совуққонлик билан қарамоқдалар. Жойларда ер бўлиб бериш борасида порахўрлик авж олаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Республика раҳбарлари ўзини халқ манфаатларининг ҳимоячиси деб кўкрагига урриб юрган айрим норасмий уюшмаларнинг баъзи бир фаолларига мурожаат қилиб, улар ўз вакилларини қишлоқларга чиқариб, жойларидаги камчиликларни тузатишда ёрдам беришини илтимос қилдилар. Улар қатто қишлоқларга бориш билан боғлиқ бўлган харажатлар зиммага олинишини айтдилар. Афсуски, мардлар майдонга чиқмади, бу муҳим масаланинг амалга оширилишида ёрдам кўрсатишдан бош тортдилар. Фикримча, уларнинг нияти республикамиздаги оғир вазиятни яхшилаш эмас, балки четдан назорат қилиб туриб, камчилик қидириш ва бошқаларга таъна тошини отишдир.

Ҳозир айрим норасмий ташкилотлар, намойишлар уюштиришга берилиб кетдилар. Агар бу ишлар ҳақиқат, адолат учун, ҳалол ва инсоний виждон билан халқ манфаати учун ташкил этилаётган бўлса, мен ҳам намойишчилар сафида бўламан. Лекин корхоналарда ишни, ўқув юртларида ўқишни тўхтатиб митинглар, намойишлар ўтказаверсак, осмондан очил дастурхон тушиб, барча муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолармикан? Бу ишлар орқасидан келаётган моддий зарар мушкул аҳволимизни янада оғирлаштириб юборади-ку. Тинч аҳолини, ёшларни ўз шахсий манфаатлари йўлида намойишларга ундаётган кишилар бу ҳақда ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди.

Уларнинг бундай интилишлари жумҳуриятимиздаги миллий муносабатларни ҳам кескинлаштириши ҳаммамизга аён. Фарғона фожиаси барчамизга сабоқ бўлди. Бу фожиа айрим ёшларнинг умрини ҳазон этди, кўпгина кишилар маъмурий жавобгарликка тортилди. Уларнинг оилалари, ота-оналарига ким тасалли бера олади! Ҳозир кун тартибида турган муҳим масалаларни тартибсизликлар уюштириш, қон тўкиш йўли билан ҳал этиб бўлмайди.

Сўнгги ойларда жумҳуриятимизда қилинган баъзи ижобий ишларни биз бошладик, биз таъшаббускоримиз, дейдиган ўғлонлар кўпайиб қолди. Бу ишлар кўча митингларида ҳал этилган эмас. Буни қатъий айтиб ўтишимиз керак.

СССР халқ депутати сифатида КПСС Марказий Комитетида, СССР Министрлар Советида, бошқа министрликлар ва ташкилотларда Ўзбекистон манфаатлари учун бўлган «жанг»ларнинг гувоҳи бўлдим. Жумҳуриятимизнинг янги раҳбарияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун бош эгмай, ҳеч кимга таъзим қилмай муросасиз кураш олиб бордилар. Бу ишлар озмунча асаб ва соғлиқни талаб қилгани йўқ. Бу ишга тўсқинлик қилган, жумҳуриятимизни ҳар доим ҳам хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолишни мўлжаллаган айрим «ҳашарчилар» келган жойларига қайтариб юборилди. Улар ҳали ҳам тинчигани йўқ. Бу қора ишда уларга айрим маҳаллий миллатфурушлар ҳам ҳомийлик қиладиганини унутиб бўлмайди.

Дўстлар, бу мураккаб шароитда ғиғо, ғийбат, миш-мишлар тарқатиш ўрнига қўлни қўлга бериб, ҳалол, ватанпарвар, миллатпарвар кишиларни қўллаб-қувватласак, уларни туҳмат ва таъна тошларидан сақлаб турсак яхши бўлмасмикан? Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган ҳалқ ҳикматли сўзи ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрайлик. Катта ишга дадил қадам қўйган кишилар ҳам доим кўпчилик виждонли кишилар ёрдамига муҳтож бўлади.

Мамлакатимизда ҳозир ниҳоятда оғир иқтисодий вазият ҳукм сурмоқда. 1989 йили иқтисодий ҳаётимиздаги камомад 120 миллиард сўмни ташкил этди. Бу оладиган даромадимиздан қиладиган харажатимиз шунча ортиқ, деган маънони билдиради. Хорижий мамлакатларга валюта ҳисобида бўлган қарзларимиз ҳам 37 миллиард сўмдан ортди. Бу кредитлар учун ҳар йили 2 миллиард сўмдан ортиқроқ валюта ҳисобида процент тўламоқдамиз. Шундай вазиятда Ўзбекистон пахтакорларининг эҳтиёжи учун бир миллиард 200 миллион сўм ажратилиши ўз-ўзидан бўлган иш эмас. Пилланинг нархи ҳам ошди, пахта якка-ҳокимлигига барҳам бериш борасида биринчи қадамлар қўйилди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини 1991 йилдан бошлаб кескин ошириш, жумҳуриятимиздаги саноат, қишлоқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумҳуриятимизда асосан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишимиз, фақат хом ашё етказиб беришга хотима беришимиз керак. Ҳозир гап хўжалик ҳисоби тўғрисида эмас, балки ақл-идрок билан, чуқур ўйлаб Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳақида кетмоқда.

Биз дабдаба билан Ўзбекистон ривожланган индустриал аграр республикага айланди, деб жаҳонга жар солиб келдик. Лекин саноат юксалиши борасидаги бирёқламаликка, кўплаб корхоналар, умумиттифоқ министрликларига қараб Ўзбекистонга ҳеч қандай фойда бермаётгани ҳақида очиқ гапирмадик. Биз ўз юрак ярамизни ўз қўлимиз билан бекитиб келдик. Мисол сифатида Чирчиқдаги капролактам заводини олиб кўринг. Бу корхонага хом ашё бошқа ёқдан келтирилади. Ишчи кучи ҳам деярли четдан келтирилган. Завод маҳсулоти бўлган хом ашё Белоруссияга олиб кетилади. У ерда ҳосил бўлган тайёр маҳсулотнинг нархи биздан кетган хом ашёникидан 100 марта ортиқ. Республикамиз эҳтиёжлари учун деярли кераксиз бўлган бу корхона атроф-муҳитни ифлослантираётгани ҳақида ҳам очиқ гапирганимиз йўқ. Мамлакатимиздаги химия саноати корхоналарининг деярли 10 фоизи гўзал водийларимизда жойлашганини ҳам ўйлаб кўриш керак. Ширин-шакар меваларга бой бўлган ўлкада йилига жон бошига 1,5 банка консерва ишлаб чиқарилаётганини нима билан изоҳлаш мумкин. Болгария ёки Венгриядан келган таъми паст консерваларни магазинларда навбат кутиб оламиз. Агар пахта толасининг ҳеч бўлмаганда 25 фоизи Ўзбекистонда қолиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилса, кўплаб шойи тўқиш фабрикалари қурилса, жумҳуриятимизга келадиган қўшимча фойдадан ташқари 100 минглаб кишиларни иш билан таъминлаш мумкин бўларди.

Булар ва бошқа муаммолар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. А. Каримовнинг шу йил 24 февраль куни шаҳар жамоатчилиги иштирок этган мажлисдаги докладида чуқур ёритиб берилган. Докладда айтилган масалалар жумҳуриятимиз жамоатчилиги томонидан маъқулланди.

Мустаҳкам ва маданий давлатда ҳамма нарса қонун асосида ҳал этилади. Ҳиссиётлар ва эҳтиросларга ҳеч вақт мураккаб муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўли бўлган эмас. Ҳозир кўпгина митингларда, тўпалончиларнинг чиқишларида айрим раҳбарларни тезда ишдан олиб ташлаш масалалари қўйилмоқда. Мен бундай сўзлар ёзилган плакатларни Тошкент шаҳрида ҳам кўрдим. Келинг, ўйлаб кўрайлик. Агар раҳбарлар ҳар 5—6 ойда янгиланиб тураверса, аҳвол яхши бўлиб кетармикан? Ахир, ҳар бир раҳбар ўз ишини пухта бажариши, ишни тушуниб етиши учун вақт, тажриба керак-ку. Агар ҳар бир янги раҳбарни айримлар талаби билан олиб ташлайверсак, қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ишимиз ҳеч қачон самара бермайди. Бу ерда қонун, тартиб борлигини ҳам унутмаслик керак.

Яқинда Ўзбекистонда жумҳурият ва маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари сайланди. Бу борада ҳамма ерда иш яхши ва тўғри бўлди, деб айта олмайман. Қатор жойларда катта лавозимдаги кишилар халқ депутати бўлишга интилиб, сайлов қоидаларини ҳам буздилар, ўз рақибларини қандай қилиб бўлса ҳам четга суриб қўйишга ҳаракат қилдилар. Натижада халқ манфаатларини қаттиқ тўриб ҳимоя қила оладиган айрим номзодлар четда қолиб кетди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу йилги сайловлар бизнинг бутун тарихимиздаги янги воқеа, янги демократияни ҳаётга жорий қилиш борасидаги биринчи қадам бўлди. Ҳар ҳолда асосий кўпчилик сайлов округларида кўплаб номзодлар қўйилди, улар ўз дастурларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдилар. Бу ишда ҳам илк, лекин умидли қадамлар қўйилганидан кўз юмиб бўлмайди. Биз демократия борасида биринчи қадамларни қўймоқдамиз. Янгиланиш жараёнида катта хатолар бўлиши, айрим кишилар сайловларнинг асосий мақсадини тўла тушуниб етмаслиги мумкин. Эски иллатлар ҳам бирданига йўқолиб кетмайди, албатта. Биз ҳозирги кунда йўл қўйилган хатоларни билиб, улар келажакда такрорланмаслиги учун чоралар кўрмоғимиз керак.

Бўка, Паркент районларида қишлоқ меҳнаткашларининг уйлари ёниб, ҳалол меҳнати, пешона тери билан топилган нарсалари кулга айланаётган бир вақтда одамларга ёрдам бериш, меҳр-шафқат кўрсатиш ўрнига оломонни бўлиб ўтган сайловларни бекор қилишга ундаш сиёсий найрангбозликдан бошқа нарса эмас. Инсонда миллий туйғу бўлиши керак, албатта. Лекин биздаги адолат, меҳр-шафқат барча кишиларга нисбатан бўлиши лозим. Ёниб турган оловга керосин қуйиш, ҳали ҳақиқатни тўла тушуниб етмай, ҳиссиёт ўтида ёниб турган кишиларга бундай таъсир кўрсатишга уриниш адолат ва инсонпарварлик эмас.

Ўз ватанидан жудо бўлган, мусофир, меҳнаткаш месхети туркларининг бошига яна бир мусибат тушди. Агар ихтиёр ўзларида бўлса улар Ўзбекистонда бир кун ҳам турмас эдилар. Лекин Грузиянинг раҳбарлари турли найранглар билан уларнинг тарихий, она юртларига қайтишларига тўсқинлик қилмоқдалар. Шундай вазиятда масаланинг моҳиятига тушуниб етмай, турли миш-мишларга, экстремистлар таъсирига берилиб, уйларга ўт қўйиш, бегуноҳ кишилар, аёллар, болалар, кексаларни азоблаш мусулмончиликнинг ҳам, ўзбекларга хос бўлган мардлик, тантилик, одамохунлик анъаналарига ҳам асло тўғри келмайди.

КЕЛИНГ, дўстлар, қўлни-қўлга берайлик, жумҳуриятимиз олдидаги мураккаб вазифаларни ҳамжиҳатлик билан, ақл, виждон ва меҳнат билан биргалашиб ҳал этайлик. Фақат шундагина қайта қуришнинг ажойиб мақсадларини ҳаётга жорий қилишимиз ва улардан баҳраманд бўлишимиз мумкин.

Ҳозирги вазият ҳаммамизни одиллик ва ҳушёрликка чорламоқда.

Ижарачи— сабзавоткорлар

Тажрибали деҳқон Усмонали Қурбонов мана йигирма йилдирки сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилади. Коллектив шу йиллар мобайнида катта ютуқларга эришди. Ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб борди.

Ўтган йили коллектив хўжаликдан 42 гектар майдонни ижарага олиб, меҳнат қилди. Азаматлар бултур Андижон ноҳиясидаги Энгельс номли совхозда энг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Улар ҳар гектар майдондан 480 центнердан турли сабзавот маҳсулотлари етиштиришди. Бу планга нисбатан 100 центнерга зиёд демакдир.

Айни кунларда сабзавоткорлар баҳорги ишларни қизитиб юборишди. Янги кўчатлар экиш қизғин. Бу ишлар бригаданинг ушбу мавсумда ҳам катта ютуқларга эришишидан далолат беради.

Суратда: эртаки карам кўчатлари парваришланмоқда.

Р. АШУРОВ олган сурат

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

ПЕТРОДВОРЕЦ ШАҲРИДАГИ САРОЙ-БОҒ АНСАМБЛИ ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН ЭСДАЛИК ТАНГАНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1990 йилнинг 15 мартида Петродворец шаҳридаги сарой-боғ ансамбли тасвири туширилган 5 сўмлик эсдалик танга муомалага чиқарилди.

Қиймати 5 сўмлик эсдалик танга оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 35 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг олди ва орқа томони айлана бўйлаб қабариқ ҳошияга эга.

Танганинг олд томонида СССР давлат герби жойлаштирилган бўлиб, «СССР», 5 рублей» ва «1990» ёзувлари бор. Танганинг орқа томонида Петр Катта саройининг, марказда Самсон ҳайкали бўлган фавворалар каскади ва каналнинг бўрттириб ишланган тасвири бўлиб, юқори қисмида айлана бўйлаб «Большой дворец» ёзуви ва пастрағида жимжимадор ҳарфлар билан «XVIII—XIX вв.» саналари (ансамбль яратилган вақт), қуйи қисмида эса «Петродворец» ёзуви бор.

Танга гардишининг устки қисмида «Пять рублей» сўзлари икки марта ўйиб ёзилган бўлиб, уларнинг ораси иккита юлдузча билан ажратилган.

Петродворец шаҳридаги сарой-боғ ансамбли тасвири туширилган эсдалик танга 3 миллион донада, шу жумладан 0,4 донаси яхшиланган сифат билан муомалага чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда мазкур танга давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим шахслар томонидан тўловларнинг ҳамма турларида ўз нархида, шунингдек СССР банклари муассасалари ва алоқа министрлиги корхоналарида жорий, ҳисобкитоб счётларига, омонатлар, аккредитивларга қўшиш ҳамда бошқа жойларга юбориш учун ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилиниши шарт.

Яшилликка бурканган олдин

ГАРАША ТУТЛАРИ

Очарчилик ва Улуғ Ватан уруши йилларида одамлар тут пишиғигача етсам, деган илинж билан яшаганлар. Негаки тут тўйимлилиги билангина эмас, шифобахшлиги билан ҳам машҳурдир. Эҳтимол, тут ширасининг қонда бир йил турадиганлари ростдир. Шу туфайли тут дарахти айниқса, қишлоқ шароитида жуда қадрланган. Ҳозир бизда — Форишдаги Гараша қишлоғида ҳам 150—200 йиллик оқ (балхи) тутлар бор. Мулла Ғани, Гадой дўм, Ҳаким завхоз, Қамбар ва Вақкос боболарнинг боғларида ҳам яқин-яқингача 30—40 тупдан балхи тутлар бўларди. Одамлар баҳорнинг илк неъмати—тут билан бир-бирларини сийлашарди.

Таассуфлар бўлсинким, кейинги йилларда ёшларимиз бу шифобахш неъматдан бебаҳра қолмоқдалар. Ҳатто кексалар ҳам бошқа шаҳарларга йўли тушиб қолсагина бир стакан тутни сотиб олиб татиб кўрадилар. Мавжуд тутлар мевасига шира боғлаётган даврда пилла учун қирқиб юборилади.

Ҳар йил баҳорда ипак қурти учун (одамлар учун эмас) бўлимда 10—15 минг тип тут кўчатлари ўтқазилади. Уларнинг аксарияти сув танқислиги ва яхши ишлов берилмаганлиги туфайли қуриб қолади. Натижада хўжалик катта иқтисодий зарар кўради. Қоларверса, барг етишмаслиги туфайли балхи тутларнинг барги ҳам меваси билан қўшиб қирқиб юборилмоқда.

Жумҳуриятимиз қишлоқ районларида яшовчи хонадон соҳибларига таклиф ва истакларим бор: ҳар бир киши ўз томорқаси четларига энг ками билан 20—30 туп хашаки тут экиши ва парваришлаши лозим. Бу ниҳолларга балхи тут ва шотут (қора тут) пайванд қилса нур устига аъло нур. Тут дарахти тез ривожланиши туфайли 2—3 йилдан сўнг бир вақтнинг ўзида балхи тутлар шохлаб мева қилади, ҳам пайванд тутлар етилади. Хашаки тутлар эса ипак қуртини барг билан таъминлайди.

С. ТОЛИПОВ,
Фориш райони.

ТАШАББУСНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Жумҳурият ветеранлар кенгашининг Мурожаатномасини биз, наманганликлар ҳам хайрихоҳлик билан қарши олдик. Демакки, хайрли ишнинг бошида оқсоқоллар турар экан, унинг истиқболи ҳам порлоқ бўлиши, шубҳасиз.

Биз ҳам муайян тадбирлар белгилаб олдик. Фаолларимизнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳар бир хўжаликда ветеранлар боғлари, хиёбонларини барпо этиш, кўча ва ҳовлиларни кўкаламзорлаштириш, шунингдек, Норин ва Қорадарё қирғоқларида яшил ўрмонлар яратиш ҳақида атрофлича маслаҳатлашиб олинди.

Айни пайтда боғлар яратиш учун унумдор ерлар ажратилди. Ҳар бир хўжаликда тажрибали боғбонлар бошчилигида кексалар бригадалари тузилди. Ҳар гектар майдонга ўртача 80 тупдан ўрик ва бошқа мевали кўчатлар тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳар бир ветеран бир тупдан кўчат ўтқазган тақдирда ҳам 72 гектарли боғ яратилади, деган гап.

Яратилажак боғлар ёнида ветеранларнинг дам олиш масканлари вужудга келтирилади. Боғлар орасида сабзавот ва полиз экинлари етиштиришда ҳам кексаларимиз фаол иштирок этадилар.

Бундан бир йил муқаддам «Октябрь» колхози кекса боғбонлари Норин дарёси соҳилларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ташаббуси билан чиққан эдилар. 14 гектар майдонга экилган кўчатларнинг ҳаммаси амал олди. Бу йил улардан ҳосил олиш кутилмоқда. Шу зонада яна 7 гектар боғ яратиш ниятимиз бор.

И. ЮСУПОВ,
Уруш ва меҳнат ветеранлари Наманган область кенгаши аъзоси.

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот марказида

Тропик Африкага Совет ташқи ишлар министрининг биринчи ташрифи 18 мартда бошланади, деди СССР Ташқи ишлар министрлиги Африка мамлакатлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Р. Асоян брифингда. Э. А. Шеварднадзе сафарида Намибия мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда унинг иштироки асосий ўринни эгаллайди. Қитъада мустамлакачилик даврининг ўзига хос тугатилиши бўлган бу воқеа катта аҳамиятга эгадир.

Виндхукда совет ташқи сиёсат маҳкамасининг бошлиғи мамлакат раҳбарияти, хусусан, президент С. Нуйома билан, шунингдек бошқа мамлакатлар сиёсий арбоблари билан бир қанча учрашувлар ўтказади, АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер билан учрашув ҳам кўзда тутилмоқда.

Брифингда таъкидланганидек, Э. А. Шеварднадзе ўн кун мобайнида Намибиядан ташқари яна олти мамлакатга: Ангола, Замбия, Мозамбик, Зимбабве, Танзания ва Нигерияга боради. Уларнинг ҳар бирида мазкур мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилмоқда, ана шу учрашувлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, халқаро майдонда ўзаро ҳамкорлик муаммолари муҳокама қилинади. Жанубий Африка регионидаги вазиятга, айниқса Ангола ва Мозамбикдаги вазиятни тартибга солишга, ЖАРда содир бўлаётган жадал ўзгаришларга катта ўрин ажратилади.

Министрнинг сафарида унга ТАСС, АПН, «Аргументи и факти» газетаси, Марказий телевидениенинг «Взгляд» программаси вакилларидан иборат совет журналистларининг катта гуруҳи ҳамроҳлик қилади.

Брифингни олиб бораётган СССР Ташқи ишлар министрлиги аҳборот бошқармасининг бошлиғи Г. И. Герасимов 17 март куни Прагада ўзаро аҳдлашув асосида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг учрашуви ўтишини маълум қилди. Учрашув Германия ишларидаги вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга бағишланади.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили Франс Пресс агентлигининг Ангола ҳукумат қўшинлари гўё УНИТАга қарши курашда Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган кимёвий қурол ишлатаётгани тўғрисидаги хабарини рад этди. У СССР ўз чегараларидан ташқарида кимёвий қуролга эга бўлмаган ва ҳозир ҳам эга эмас, уни ҳеч кимга, шу жумладан Анголага ҳам, Қубага ҳам бермаган ва бундай қилиш нияти ҳам йўқ, деб таъкидлади.

(ТАСС мухбири).

«Совет Ўзбекистони» «Наврўзнома»си

ВИСОЛ ЧОҒИДЕК ШИРИН

Наврўзи олам келар қалдирғоч қанотида,
Наврўзи олам келар қушларнинг баётида.
Тўйғулардай сеҳрли, висол чоғидай ширин,
Дил қаламга сўзлайдир гоҳ ошкор, гоҳ яширин.

Баҳор элига баҳор қайтаётир. Меҳнаткаш дилига чироқ ёқиб, хонадонига шодлик олиб келмоқда. Наврўзи олам хабари ва у ҳадя этган севинчдан кўксим тўлиб, қишлоққа, деҳқон дуголаримиз ҳузурига ошиқаман. Дала, қишлоқ йўлларидан бораяпман. Ширин хаёллар эркалайди.

Бундай кезлар инсон юрагида орзу туғилади. Бу—она диёр, саховатли заминни, одамларни, шаҳар ва қишлоқларни яшартириш, яшилликларга буркаш орзуси. Ғапу ғаштакли, баҳру байтли, қўшиқ ва алёрли, ўтли давраларнинг орзуси. Бу — то тонггача чироғи ўчмаган мунаввар хоналарда баҳор пайровида давом этувчи мушоираларга интиқлик. Бу — шукроналар айтиб, юртнинг баҳорини, дилхушлигини ўзига қайтарган раҳбар соҳибларга умр тиламак учун бувиларнинг, момоларнинг дуога очилган қўллари. Бу — келинчакларни бахт, толе уйига кузатувчи ёр-ёр, ғўдакларга ором бағишлагувчи алла!

Юртимдан йироқ кетсам, унинг дилкаш дуторини соғинаман. Оналар айтган аллалар, бувиларнинг сеҳрли эртакларини соғинаман. Энг аввало, юртимнинг баҳорини соғинаман. Ана шу баҳор қайтиб келганида эса она ернинг ёқимли ҳовури сархуш қилади. Боғлар оша эшитилаётган қушларнинг чуғури, уйқудан уйғонаётган далалар, илк бор мўралаган бойчечак қиш бўйи чеккан интизорлигим, ғуборимни, хуморимни соғинчларимни олади.

Осмонда ой чечак, ой чечак,
Заминда бойчечак, бойчечак.
Бойчечак болалар, қундузлар,
Ойчечак боласи — юлдузлар.
Бир тутам бойчечак бойланар,
Бир олам сурурга айланар.
Кўкда ой, заминда бойчечак
Мангуга бунда қол, ҳой чечак!

Қишлоқ одамлари наврўзи оламга, уни яна рўёбга олиб чиққан меҳрли кишиларга умид кўзи билан қараяптилар. Улар наврўзи олам тўкин-сочинлик, қут барака, сарбаланд хирмон, новдалари гулга, ҳосилга бурканган янги боғларни кашф этишига ишонаяптилар. Асаканинг қўнғирот қишлоғида яшовчи Комилжон отанинг сўзларини тинглайман.

— Шукроналар бўлсин, наврўзи олам мунаввариликдир. Оға-инилар ёру-биродарлар бир-бировини сўроқлайди. Ёшлар қарияларни йўқлаб, иззатикром кўрсатишади. Биз кексалар эса «Омонлик, омонлик» дея уларни дуо қиламиз. Юртимиз тинч, маъмур бўлсин.

Хўш, бувиларимиз нима дейишар экан?

— Наврўзи олам хуш келсин, — дейишади улар. — Ўчоғимиз ўтли, дастурхонимиз қутли бўлсин. Яна бир тилагимиз шуки, тўю-томошаларимиз ўланли бўлсин. Эртаклар, чўпчаклар, осмондаги юлдузлардай мўл-кўл бўлсин. Барака топқур келинларимизга алла айтиш урф бўлсин. Биз наврўзи оламдан ана шу неъматларни ҳам бирга олиб келишни сўраймиз.

Келинчаклар нима деркин? Мана, Ҳамидахоннинг юрак сўзлари: Раис бувамларга инсоф тилаймиз. Икки тол оралиғидаги омонат беланчаклар ўрнига осма беланчаклар қайтсин.

Қишлоқ ёшлари нима дейишаркин?

— Наврўзни кўзларимизга суртамиз, — дейишади улар. — Наврўз бизга ваъдалар эмас, амалий ишлар олиб келсин. Қишлоқ клуби эшиклари ланг очилсин. Клуб бурчида чанг босиб ётган пианинолардан баҳорий куйлар таралсин. Деҳқоннинг юмуши эмас, нуфузи ҳам ортсин. Хўжакўрсинга қурилган данғилламаларнинг омборхонага айланган клубларимизда Наврўз мушоиралари бўлсин. Наврўзи оламдан илинжимиз, илтижойимиз шуки, қишлоқларда ҳам маданий марказлар кўпайсин.

«Правда Востока» колхозида истиқомат қилувчи Марзия холанинг сўзлари ўйлантириб қўйди мени:

— Илгарилари Наврўзнинг дилтортар таомлари бўларди. Дошқозонларда сумалаклар қайнарди. Майса ўтлоқлар устида дўмбира чертиб, давра қуриб ўйин тушардик. Эртак ва афсоналар айтишардик. Ҳалим, нишолда каби анвойи таомлар қишнинг ғуборини оларди. Турли пиширириқлар, ялпиз кертилган уғра оши, наврўз неъматлари, кўкатларидан тайёрланган чучвараю сомсалар дастурхонни безарди. Дориломон, ўктам замонлар қайтиб келаётгани муборак бўлсин!

Ҳа, қишлоқ одамлари дилларида ой тўлишаётир бу хушхабардан, йўқотиб қўйилган иштибоҳлар, қувончлар, ҳаяжонлар, севинчлар яна қайтиб келаётир. Ҳадемай Наврўз қирларга ошиқади, лола гулханларига ўт қалайди.

Наврўз кеза-кеза мангу машъала пойига келади. Қўлларида алвон лола ушлаган қиз мангу машъала пойида тиз чўкади. Гулга, чечакларга ранг улашиб, чаманларга ёғду бўлишиб юрган баҳор бирдан ҳазин тортади. — Бу ҳазинлик баҳорга момақалдироқли, шамолли кунларини эслатади... У водийларга ҳам адирларга ҳам, сайҳонларга ҳам, қабрларга ҳам бир хилда сеп ёйиб ўтади.

Баҳор заррадек чигитдан олам-жаҳон яратиш иштиёқи билан эгатлар бошида тиз чўккан бобо деҳқон ҳузурига боради, таъзим айлайди. Наврўз деҳқонга эзгу ҳунар, яхши қадриятлар, баракали хирмон ваъда қилади. Баҳор гуллар, ғўзал анъаналар диёрининг шоирлари даврасига келади.

Истагим Наврўз эллар, элатлар ўртасига дастурхон каби тўшалсин. Унга дўстлик, қардошлик неъматлари тузалсин. Ер юзида, турли музофот, минтақалардаги нажот излагувчи инсонларга у ёрдам қўлини узатсин. Бутун олам бўйлаб тинчлик уруғини, ғуллар ифорини таратсин. Она сайёрамиз ўз меҳварида тинч, осуда айлансин. Йигитлар дастида қурол эмас, дутор бўлсин. Низолар меҳр-мурувватларга айлансин. Миллатлар муҳаббат ришталари билан бойлансин.

Наврўз миллий маданият, санъат ва пазандаликнинг ўзига хос намойиши. Наврўзнинг шоҳона таомлари фақат бувиларнинг ўтли ўчоғида қолган, холос. Ялпиз, райҳон кертилган мастава, уғра оши, ғўжа, сумалаклар, кўк сомсалару ҳалимлар шаҳар ошхоналари, биз ишлаб меҳнат қилаётган идораларнинг ошхоналари таомномасидан ўрин олсин.

Наврўзда янги боғлар яратиш яъни ниҳоллар экиш, парвариш қилишдек хайрли одатимиз бор. Шаҳар кўчалари ва хиёбонларга боқсангиз, нуқул манзарали дарахтлар экилаётганини кўрасиз. Болгарияда бўлганимизда, ҳар бир катта-кичик хиёбон, кўчаларнинг икки томонига мевали дарахтлар экилганини кўрдик. Олма, олча, шафтоли, беҳи кўча боғларда пишиб турибди. Ҳар бир дарахт остида сават бор. Йўловчилар меваларни еб, тўкилганларини саватга ташлаб ўтадилар. Катталар ҳам болалар ҳам тўйиб мева ейишади. Юртимиз диёримиз боғларга бурканишини, ҳар бир дарахт қушларга ошиён бўлишини истайман.

— Наврўзи олам қушиқлари, бахру байтлари оламни тутсин. Одамзот ғамми, ғуссаларни унутсин. Наврўз қирадирларга яшиллик, тоғларга виқор, чаманларга гул-алвон, одамларга меҳр-мурувватни ато этсин.

Най саси келади йироқдан
Ялпизлар сирғаси қулоқда.
Жаг-жаг ўт ўрибди жамалак,
Келинлар кўнглида сумалак.
Чучмўма бўй чўзиб қирларда,
Кўз тутар, билмадим, кимларга.
Хаёлим тортади сайҳонлик,
Наврўзда тикон ҳам райҳонлик.

Эътибор ОХУНОВА.

ШОДИЁНА БЎСАҒАСИДА

Наврўз дастурхони қандай бўлади, унга қандай ноз-неъматлар, масалликлар, ширин-шакар қандолатчилик маҳсулотлари қўйилади? Меҳмонлар енг шимариб, очиқ-чеҳра билан қандай кутиб олинади? Бу саволлар ҳар биримизни қизиқтириши табиий.

Ўзбекистон ноҳиясидаги Шойимбек қишлоғида жойлашган «Қўқон» давлат хўжалиги меҳнат аҳли Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўришяпти. Ҳаваскорлар миллий ашула ва рақсларни тайёрлашмоқда, миллий таомлар тайёрловчи пазандалар эса айём таомларини тайёрлашга қўл урдилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири В. МОЛГАЧЕВ шу хўжаликда бўлиб, суратлавҳалар олиб қайтди. Уларда Наврўзолди шодиёналари акс эттирилади: 1. «Жуда мазали бўлибди». 2. Сумалак тайёрлаш пайти.

• Ўлкамиз неъматлари

ДАРМОНБАХШ КЎКАТЛАР

Кўклам-мусаффолик кўзгуси, наботот оламининг уйғониши. Баҳорнинг дилни руҳлантирувчи, кайфият бағишловчи, ҳаётбахш саховати-ю муруввати бор. Кенг далаларимиз узра сабзаранг майса тўшалган, куртаклардан маржон тақувчи Наврўзи оламнинг шифобахш марҳамати ўзгача.

Аёнки, баҳордаги иликузди дамларда ҳаётбахш дори-дармонларга эҳтиёж ошади. Биз қуйида дармонбахш кўкатлар ҳақида фикр юритамиз.

ГУЛҚОҚИ

Эрта баҳордан то хазонрезги паллага қадар олтин ранг гулларини кўз-кўз этадиган гулқоқини ким билмайди дейсиз. Гулқоқининг шифобахшлиги қадимдан маълум. Баҳор эркатойини момоқаймоқ, қоқи ёҳуд қозоқча пия, қирғизча бақбақ, туркманча сутленген ва тозга, тожикча коку, русча одуванчик ҳам дейишади.

Халқ табобати амалиётида гулқоқи алоҳида ўрин тутади. Жумладан, ўсимликнинг илдиз ва барглaридан тайёрланган дамлама бўйрак хасталикларини даволашда, беозор пешоб ва ўт ҳайдовчи омил сифатида, қонни покловчи, мулойим сурги сифатида фойдаланилади. Шунингдек, гулқоқи илдизидан тайёрланган дамлама жигар шамоллашида, ўт қопчаси яллиғланганида ва бавосилни даволашда қўлланилади, тиш ва томоқ оғриқларида чайқаш учун ҳам ишлатилади.

Замонавий тиббиётда гулқоқи илдизидан тайёрланган қиём (экстракт) иштаҳа очиш ҳамда ўт ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Кези келганда гулқоқининг дармонбахш хусусиятига тўхталишга тўғри келади. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида бир қатор шифобахш моддалар мавжуд. Чунончи, витаминлардан С, В2, темир, кальций, фосфор, маъдан тузлари, органик кислоталар, гликозид, инулин, стеарин ва бошқа фойдали омиллар жо бўлган. Шу боисдан ҳам айни баҳор дамлари гулқоқининг мурғак кўкатлари қўшилган кўк чучвара, сомсалар одамнинг «қақраб» турган аъзоларига мос келади.

ЖАҒ-ЖАҒ

Баҳор кўкатларидан бири жаг-жаг бўлиб, ундан биз қўҳна замонлардан бери шофабахш омил сифатида қўллаб келамиз. Маҳаллий аҳоли жаг-жагни баъзан очамбити, халтаи лўли, биталаф, жажак, журпуршак, гити-гижи (пастушья сумка) деб атайди. Жаг-жаг ўлкамизнинг қарийб барча вилоятларида учрайдиган беор ўсимлик бўлиб, уни йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, экинлар орасида учратиш мумкин.

Халқ табобатида жаг-жаг қон тўхтатувчи омил сифатида қўлланилган. Ўтидан тайёрланган дамлама меъда, ўпка, бурун, бўйрак ва бачадон касалликларида қон тўхтатувчи сифатида тавсия этилади. Уни чаён чаққан жойга эзиб боғлайдилар, ўсимликнинг ер устки қисмини қайнатиб, бод, суяк оғриғида буғлайдилар. Шарбати ич сургига даво.

Жаг-жаг ҳозир ҳам кенг фойдаланилади. Жумладан, қон тўхтатиш ва қон Ёсимини туширишда қўл келади. Жаг-жаг ўз таркибида органик кислоталар, холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, тирамин каби манбалар, С, K_1 витаминлари, инозит, каротин, сапонинлар, зарра сингари маъданлар мажмуасини сақлайди.

Жаг-жагнинг мурғак ўтидан кўк чучвара ва сомсалар тайёрланади.

ИСМАЛОҚ

Баҳорий неъматлар қаторида исмалоқ алоҳида ўрин тутади. Уни чўқатикан, смолоқ, испанак, асфнхох, шинат деб атайдилар.

Исмалоқ жумҳуриятимизнинг тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, экинлар орасида учрайди.

Абу Али ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани йўтал, қабзиятга қарши сафро-ўт ҳайдовчи омил сифатида тавсия этган. Исмалоқ камқонлик ва мичални даволашда, парҳез таом сифатида фойдали. Таркибида С, B_1, B_3, PP, B_6 К, Е каби дармондорилар бор. Бунда темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний каби маъданлар учрайди. Камқонлик, бедармонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво бўлиб, пешоб ва дамҳайдаш хусусиятига эга.

Исмалоқнинг мурғак ўтини кўкатли тоамларга қўшиб ишлатилиши айни муддаодир.

ЯЛПИЗ

Баҳор ялпиз ҳидидан муаттар. Ундан хосиятли гиёҳ — ошкўк, зиравор ҳамда шифобахш омил сифатида фойдаланилади. Уни хулбуй, зулба, пидина, ариқжалбус, нарпиз, нано, пудинаж деб атайдилар.

Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқатни яхши ҳазм қилдирувчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайд хасталигини қолдирувчи восита сифатида тавсия этган.

Халқ табобати амалиётида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз қақраши, милк яллиғланиши даволаш сифатида талқин этилади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиққа, ўсимлик ширасн эса шақиқа ва сариқ касаллигига фойдали омил ҳисобланади. Ўсимлик шарбати кўтирни даволашда ижобий натижа беради. Ялпиз кўкракни юмшатиб, балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўллари касалликларининг олдини олувчи воситадир.

Айниқса, қалампир ялпизнинг асаб касалликларида (тутқаноқ), ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшиловчи, тинка қуриши, холсизланишда, вабо ва бод азиятларини даф этиш қуввати бор. Ўт ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Бавосил, ширинча, мичал касалликларида фойдали. Агар ялпизни майдалаб, сувда қайнатилиб, сузиб олингач, унинг устига райҳон ширасн, тенг миқдорда шакар қўшиб қиём ҳолига келгунича қайнатиб олинса, кўнгил айнигинида, меъда истисқосида ва изтиробли йўталга малҳам бўлади.

Замонавий тиббиёт амалиётида ялпиз саноат миқёсида чиқарилаётган валидол, карвалол, олеметин, энатин, анестезол, зеленин томчиси, Трасков эритмаси каби қатор доридармонлар таркибидан улуш олган. Бу доридармонлар томирларнинг тиришишига, юрак касалликлари билан оғриган беморларга даво ҳисобланади.

Ялпизда эфир мойлари, органик кислоталар, флавоноидлар, витамин С, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, минерал тузлар ва яна бир қатор шифобахш моддалар мавжуд.

Баҳорий таомларга ялпизнинг мурғак кўкати қўшиладиган бўлса, инсон саломатлигини мустаҳкамлайди.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

Ўрнак

● Қисмимизда моҳир мутахассис Мусожон Зиёмиддинов номини ҳурмат билан тилга оладилар. У байроғида Қизил Юлдуз ордени порлаб турган қисмнинг бой, жанговар анъаналарини давом эттираётган аскарлар сафидан муносиб ўрин олган.

Мусожон ҳарбий топшириқни сидқидилдан аъло бажариб, бошқаларга ўрнак бўляпти. Мусобақадошлар орасида олдинги ўринда бораётган илғор жангчи меҳнатда юқори натижаларга эришяпти. Бунинг учун Мусожон қисм жанговар байроғи олдида суратга тушиш бахтига муяссар бўлди.

А. БУЛАНОВ.

Қурувчилар фахри

● Ҳарбий-қурилиш қисмларида хизмат қилиш осонмас. Қор ва ёмғир остида, жазирамада, ҳатто дам олиш кунларида ҳам ишлашга тўғри келади. Бир сўз билан айтганда планни бажариш учун, сифат учун ҳар куни кураш давом этади.

Оддий солдат Тоҳир Маҳкамов эса ҳақиқий жангчи. Унинг касби электр пайвандчилик. Қурилиш сифати унинг иши сифатига боғлиқ. Тоҳир хизмат мобайнида ўзини интизомли, меҳнаткаш сифатида кўрсатди. Эришаётган ютуқлари учун у бир неча бор қўмондонлик томонидан мукофотланди.

Тоҳир хизматга Поп районининг Олтинкон посёлкасидан чақирилган. Ана шундай меҳнатсевар, одобли йигитни воя-га етказганликлари учун коллективимиз номидан унинг отаонасига миннатдорчилик билдирамиз.

В. П. ГНАТЕНКО,
бўлинма командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

Оқ йўл, Фарҳод

● Қизил байроқли Болтиқбўйи ҳарбий округида яхши хизмат қилган, бошқаларга намуна бўлган солдатларни биринчи навбатда запасга бўшатиш анъанага айланган. Сержант Фарҳод Алимов ҳам ана шундай шарафга муяссар бўлди. Хизматдошлари ҳурматини қозонган йигитни дастлаб рота комсомоллари бюро секретарининг ўринбосари қилиб тайинлашганди. Кейинчалик бўлим командири бўлди. Фарҳод командирликнинг бу ишончини ҳам оқлади. Уни КПСС аъзолигига қабул қилишди.

Фарҳодга ўхшаган йигитлар уйларига кетишганда бир нарсани йўқотгандай бўлиб қоласан, киши. Қани эди ҳамма йигитлар Фарҳод Алимовга ўхшаса!

Рота партия бюроси, взвод командири, катта прапоршчик И. Гузиков, взвод инструктори прапоршчик А. Криленко, офицерлар ва прапоршчиклар номидан биз билан ҳамкорликда хизмат қилгани учун Фарҳодга миннатдорчилик билдирамиз ва оқ йўл тилаймиз.

О. ФИНАЕВ,
лейтенант.

* * *

● Шунингдек, мамлакатимизнинг турли жойларидаги ҳарбий қисмлардан хат йўллаган В. Крисанов, К. Петров, В. Болгов, Аҳметов, Е. Даткинларнинг мактубларида жумҳуриятимиз ўғлонларининг йигитлик бурчини виждонан, намунали ўтаётганлиги хабар қилинса, Б. Абраев, В. Талалай, А. Жадаев, А. Раззоқов, А. Ермольченко, Н. Тюрин, И. Масловский ва Н. Качанлар баъзи юртдошларимиз хизматни ўташда қийналаётганликлари, айрим ёшлар интизомсизлик қилганликлари ҳақида ёзиб юборишган.

ЁЗГИ ВАҚТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА

СССР Давлат ягона вақт ва эталон частоталар комиссияси хабар қилади: 25 март куни 1990 йилги ёзги вақтнинг амал қилиш вақти бошланади.

Шу муносабат билан 1990 йил 25 март куни соат 2 да Совет Иттифоқининг бутун территориясидаги соатларнинг мили 1 соат олдинга суриб қўйилади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ НОЗИРЛИГИ ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1—2 АПРЕЛЬ СОАТ 15.00, 19.30 ДА

«АССАЛОМ НАВРЎЗ»

«Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси» мавзуида қўшиқ ва кулги кечаси ўтказилади

Унда жумҳуриятимизнинг АНДИЖОН, МАРҒИЛОН, ТОШКЕНТ, ҚЎҚОН вилоятларининг севимли кулги дарғалари қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти ҒАНИ АЪЗАМОВ.

Аскиячилар: ЖАЛОЛ МАХСУМ ЗАИНИДДИНОВ, ТУРСУНБОЙ ФАЙЗИЕВ, ИЎЛДОШХОН НОСИРОВ, ҒУЛОМЖОН РЎЗИБОЕВ, ОРИФ УСМОНОВ.

Қизиқчилар: МУҲАББАТХОН ТОШПУЛАТОВА, ЖУРАХОН ПЎЛАТОВ, МАШРАБ НАЗАРОВ, ЗАИНОВИДДИН ЮСУПОВ, МАДАМИНЖОН ЮСУПОВ, МАМАСИДИҚ ШИРАЕВ.

Хонандалар: ҒОФИРЖОН ҚУЧҚОРОВ ва ЎРОЗАЛИ ТОШМАТОВ.

РАҚСЛАРДА:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ДИЛБАР ЮНУСОВА, НАРГИЗА ОЛИМОВА (Тошкент маликаси).

«НАФОСАТ» халқ ансамбли.

Билетлар сотилмоқда.

БОШ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Касса соат 11.00 дан ишлайди.

«Осиё Маликаси-90»
«СССР Маликаси—90»

II-БУТУНИТТИФОҚ ГЎЗАЛЛИК КОНКУРСИ ДОЙРАСИДА

Халқаро ижтимоий-маданий программалар марказининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

ШУ ЙИЛ МАРТ — АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА

«90-йил маликаси»

РЕГИОНАЛ ГЎЗАЛЛИК КОНКУРСИНИ ЎТКАЗАДИ

Конкурсда қатнашиш учун 17—25 ёшдаги, турмушга чиқмаган, фарзандлари бўлмаган қадди-қомати келишган, ёқимтой, ақл-идроклн, актёрлик қобилиятига эга, ҳазилмутойибани тушунадиган, топқир қизлар таклиф қилинадилар.

Регионал босқич совриндорлари «СССР МАЛИКАСИ—90» II-Бутуниттифоқ гўзаллик конкурсида, сўнгра шу хилдаги халқаро конкурсда иштирок этиш имкониятини қўлга киритадилар. Ғолиба Лондонда бўладиган «ОСИЁ МАЛИКАСИ» Халқаро конкурсида иштирок этади.

МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, ФИРМАЛАР ВА АЙРИМ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Конкурс қандай натижалар билан тугашидан қатъий назар унинг ҳомийлари ютуқ билан қолишади. Уларга мамлакатимиздаги ва хориждаги шерикларимиз билан амалий алоқалар ўрнатиш борасидаги ҳаракатларига имконият яратиб берилади. Ҳомийларга регионал ва Бутуниттифоқ конкурси финалининг ғолибларига совринларни топшириш ва барча турдаги реклама хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Соат 11 дан 19.00 гача 32-14-26 телефони орқали қўнғироқ қилишингиз ёки қуйидаги адресга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 14—26 хоналар.

«НАФОСАТ» ЁШЛАР МАРКАЗИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Агар Сизнинг хусусий уйингиз, дала ҳовлингиз ёки бошқа иморатларингиз бўлса

УЛАР ҚАНЧАЛИК ИШЛАТИЛГАНЛИГИ ҲИСОБГА ОЛИНГАН ҲОЛДА АМАЛДАГИ ДАВЛАТ ЧАКАНА НАРХЛАРИДА ЎЗ ҚИЙМАТЛАРИНИНГ 60 ФОИЗИ МИҚДОРИДА

суғурта қилинади.

Иморатларни суғурта қилиш шартномаси мазкур иморатлар ёнғин, зилзила, тошқин ва бошқа табиий офатлар, иситиш системаси, водопровод ва канализация тармоқларидаги авариялар ва бошқа кўпгина ҳодисалар оқибатида вайрон бўлганда ёки шикастланганда етказилган зиён ўрни қопланишини таъминлайди.

ШАРТНОМА БИР ЙИЛ МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ.

Суғурта тўловлари унча қиммат бўлмасдан иморатларнинг қаерда жойлашганлиги билан боғлиқ ҳолда йилига умумий суғурта пулининг ҳар юз сўмидан 30 ва 35 тийинни ташкил этади.

Госстрах инспекцияларида ёки иморатлар жойлашган районга хизмат кўрсатувчи суғурта агентлигига мурожаат қилиб иморатларни суғурта қилиш шартномаларини тузиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

(телефон 45-37-24).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/III да **Раймонда**, 17/III да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да **Корнолан**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/III да **Мушкул савдо**, 17/III да **Ака-ука совчилар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да **Майсаранинг иши** (19.00).

Ўзбекистон Социал таъминот нозирлиги жамоаси Фарғона вилояти социал таъминот бошқармасининг бошлиги У. Вегматовга онаси

Ойимбиби УСАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ва халқ хўжалигини планлаштириш кафедраси жамоаси доцент М. Т. Хайдаровга отаси

Тожи Содиқович ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02156. № 63. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12